

Тошкент фармацевтика институти

Фармакогнозия кафедраси

Реферат

МАВЗУ: АНОРНИНГ ФОЙДАЛИ ВА ЗАРАРЛИ ТОМОНЛАРИ

Бажарди: Юртўғли Б.

Фармация йўналиши 3 курс 7/2 гуруҳ

Илмий раҳбар: доцент Пулатова Д.Қ.

Тошкент – 2014

АНОРНИНГ ФОЙДАЛИ ВА ЗАРАРЛИ ТОМОНЛАРИ

Яхшидан боғ қолади, дейди доно халқимиз. Умрининг асосий қисмини тангу жадаллар ичида ўтказган Соҳибқирон Амир Темуր Моварауннахр пойтахти самарқда жуда кўплаб боғлар яратган. Боғи Дилкушо, боғи Чинор, боғи Шамон, боғи Беҳшит каби қатор чорбоғлар бунёд этдирган. Бундай ободончилик ишлари темурийлар салтанатининг бошқа шаҳарларда ҳам амалга оширилган. Масалан, Бобур Фарғона вилоятининг маърифатида анор ва ўрик мевасининг бисёр бўлишини қайд этган. Ўша замонларда “Аби Самарқанд” ва “анори хўжанд” ибораси машҳур бўлган. Бобур Марғилонда “доно калон” ва “саммон” навли анорларнинг ширинлигини алоҳида қайд қилган

Бобур кейинчалик Кобун ва Одинапурдаги Самарқанд боғларидаги каби анор эктирган. У куз орасида анорнинг сариқ рангдаги беланишини завқ билан таърифлаган. Бек ва яқин аъёнлари билан анорхўрлик қилган.

Анор шарбатидан шифобахш қиёмлар тайёрлаш ҳам мумкин. Бунинг учун анорнинг етилиб пишган мевасидан 4 кг олиб, унга 2 кг шакар ва ярим пиёла миқдорда райхон гули қўшиб, қиём холигача қайнатилади. Анор қиёми иштаха очади. Аъзоларга қувват бағишлайди.

ШИРИН АНОР БАНДИДАН...

Ширин анор бандидан тешик очиб, сикканича оз-оздан бодам ёки бинафша ёгини томизиб, шимгунига кадар оловга қўйиб, тукилмайдиган ҳолатга

етгунига қадар кутиш керак. Ана шу анорни ёғ томизилган жойидан шимиб сурилса, кўкрак қафаси ичидаги аъзолар дарди ва эски қуруқ йўталга даво бўлади. Ширин анор сувини шакар, асал суви, бодом елими ва бодом ёғи билан бирга давомли истеъмол қилинса ҳам шундай фойда қилади.

КЎЗ РАВШАНЛИГИ...

Ширин анор сувини шишага солиб бир неча кун қуёшга ташлаб қўйилса ва қуюлтирилгандан сўнг кўзга тортилса, кўзнинг равшанлиги ортади, қанчалик узоқ сакланган бўлса кучи ҳам шунчалик ортади.

МЕВА ПЎСТЛОҒИ...

Агар мева пўстлоғини куйдириб унинг қулини сариеғ ёки мол ёғи билан яхшилаб аралаштириб суртилса, теридаги йирингли ярачаларнинг тузалишига ёрдам беради. Мева пўстлогидан тайёрланган кайнатма оғиз бўшлиғининг яллиғланишига даво бўлади.

САФРО ҚУСИШГА...

Анор, олма, беҳи, лимон, отқулок, ошқовок, нилуфар ва кашнични тенг мидорда олиб аралаштириб қайнатилиб, унинг қуюқ шарбатига асал қўшиб истеъмол қилинса, сафро қусиш, кўнгил беҳузур бўлиш ва тинка қуришидан қутилиш мумкин.

НОРДОН-ШИРИН АНОР...

Нордон-ширин анорнинг мижози совуқ ва хўлликда ўртача. Бошқа жихатдан худди ширин анорга ўхшаб кетади. Лекин сафро қайнаши ва қон босими кўтарилишини босишда ундан кучлироқ ва сафро мижозли одамларга ширин анорга қараганда нордони ёқимлироқдир.

НОРДОН АНОРНИНГ ШИФОЛИГИ...

Нордон анорнинг шифобахшлик хислатлари: ичидаги пардадан ажратиб олинган 150 граммдан 300 граммгача 70 грамм янги шакар билан истеъмол қилинса, ичкетарли сафрони даф этишда ва меъдага кувват бағишлашда даво бўлади. Сафроли хароратни, сариқ, кўтир ва қичимани бартараф этишда сариқ халилага ўхшаган хислатлар бор.

ЙЎҒОН ИЧАК ХАСТАЛИГИГА

Нордон анор ичи тозаланиб, кейин қуюклашгунча сиркада обдан хил-хил пиширилса ва мурч хажмида ўша қуюқ қайнатмадан хаблар тайёрлаб, ундан 15 донасини истеъмол қилинса, эски ичкетарни бартараф этади, ичаклардаги йирингли хасталикларни, йўғон ичак ҳамда орқа чиқарув ичакларини шифолайди.

ТИШ ХАСТАЛИКЛАРИ...

Нордон анор сувини оғизга олиб, бир неча бор чайилса, тиш милкларини мустахкамлайди. Агар унинг пўсти ейилса, пешобнинг равон келишига ёрдам беради. Барча турдаги анорнинг томири сувда қайнатилиб ичилса тишга фойдаси каттадир.

МЕЪДА ВА ГИЖЖАЛАРГА...

Нордон анорнинг қуруғини чайнаб 3,5 граммини сув билан ейилса, меъда ва ичакдаги қуртларни, хатто ошқовоқ уруғига ўхшаш гижжаларни ҳам тушириб юборади.

АНОР ДОНАСИ...

Анор донаси унинг бошқа қисмларга нисбатан шифобахшликда кучлироқ. Анор уруги ва шу микдорда узум майизини олиб бешдан бир қисми хажмида қора зира қўшиб, ҳаммасини туйиб ейилса, қайт қилиш иллатини тўхтатади ва меъдага қувват бағишлайди. Лекин ичакларининг ички девори яллиғланган ва йўтали бор одамлар еса, зарар қилади. Бундай пайтларда узум майизи ейилса, зарар бартараф қилади.

АНОР УРУҒИНИ...

Уни майдалаб асал билан хамир қориб боғланса, қўл ва оёқдаги қадоклардан қолган доғни йўқкотади.

ҚАЙНАТМА ТАЙЁРЛАШ

Анор пўстидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган чинни, сирланган ёки хароратга бардошли идишга бир стакан микдорда (200г) сув куйилади, унга майдаланган мева пустлоғидан бир чой қошиқ солиб 15 дақиқа давомида қайнатилади, 2 соат давомида тиндириб қўйилгач, сузиб олинади, сўнгра кунига уч маротаба ош қошиқда овқатдан олдин ичилади.

Бугунги кунда Қува Дошнабод анорлари машҳур

Анор (Пуника) туркуми анордошлар (Пуникация) оиласига мансуб унча катта бўлмаган субтропик дарахт ёки бута ўсимлиги бўлиб, 2 та тури бор. Бир тури хинд океанида жойлашган Сокотра оролида ўсувчи Сокотра анори (Р, протопуника) бўлса, иккинчиси Ўрта Денгиз атрофлари, Олд Осиё ва Ўрта Осиёда тарқалган оддий анордир (Р.гранатум)

Анор анжир каби бир жойдан пайдо бўлмасдан бир қанча районларда хонакилаштирилган. Шунинг учун уни биргина Кичик Осиёдан келиб чиққан дейиши нотўғри. Ўрта Осиёда анор ёввойи ҳолда Помир-Олой тизма тоғларида ва Копетдоғда учрайди. Унинг қадимдан ўстириб келинаётган маҳаллий навлари ҳозир 40 дан зиёдрокдир. Қува, Дашнобод, Наманган анорлари (аччиқ доно, оқ доно, қизил пўчоқ, кава доно, қизил анор, кўк анор, бедана, ширин доно, қўй қизил, ульфи, ширин анор, нордон, қўй анор, қозоқи). Эрон, Испания ва бошқа мамлакатларда етказилган анорлардан устун туради.

Анор-анордошлар оиласига мансуб бўлиб, бўйи 5 м гача борадиган бутадир. Анор ўсимлигининг барги қалин бўлиб, уст томони йилтиллаб туради. Кўриниши тескари тухумсимон. Улар қисқа банд билан шохчада қарама-қарши жойлашган бўлади. Ўсимлик гуллари қирмизи ранг бўлиб, доно-доно, айрим холларда 2-5 таси ғуж бўлиб жойлашади. Анор май-август ойларида гуллаб меваси сентябрдан кеч кузгача пишади. Меваси шарсимон, кўп уруғли сершира мева ҳисобланади.

ТАРКИБИ

Анор таркибида киши аъзосига фойдали, иштаха очувчи, овкатни хазм килувчи ҳамда ижобий натижа курсатувчи органик кислоталар, лимон кислотаси, олма кислотаси, канд моддаси (фруктоза, глюкоза, сахароза),

витаминлар мавжуд. Анор пустлоғи таркибида ошловчи, смола, буёк ва бошка моддалар бор.

ХАЛК ТАБОБАТИДА...

Халк табобатида анор пустлоғи, меваси ва мева пусти шунингдек, усимлик гули истиско (водянка), қўтир йўтал, ичбуруг, сарик касалликларига даво сифатида қўлланилади. Анорнинг шарбати зангила (лавша, цинга) касалликларига даво булади. У иштажа очувчи неъмат хамдир.

Тиббиёт илмининг султони бобомиз Абу Али ибн Сино анор пустлоғини қон қусишда, милк ва ичакдан қон кетганда, шунингдек сийдик ҳайдовчи, яра ва жароҳатларга малхам сифатида ишлатган. Бундан ташқари, олим анор пустлоғидан тайёрланган қайнатма ичбуругга даво эканлигини ва гижжани ҳайдаши тугрисида маълумотлар беради.

ИЛМИЙ ТИББИЁТДА...

Илмий тиббиётда анорнинг илдиз пустлоғидан тайёрланган экстракт, шунингдек, гижжаларни тушуришда, мева пустининг қайнатмасидан дизентерия касаллигини даволашда қўлланилади.

ШИРИН АНОР...

Ширин анор еган одамда соғлом қон пайдо бўлади. Уни иссик мижозли кишилар еса эрлик қувватни оширади. Бадан аъзоларини зарарли моддалардан тозалайди. Ични юмшатиб пешобни юргизади. Овқатдан кейин ейилса, хазмни тезлатиб уни меъдадан чикиб кетишини осонлаштиради ва жигарни тозалаб қувват бағишлайди. Иш фаолиятини яхшилайди. Бундан ташқари, сариқ сув, жигар сустлиги, сариқ хасталиги, талок, кўкрак қафас

аъзолари дарди, иссиқ йўталга шифо булади. Одам овозини равон ва жарангдор қилади. Баданни семиртиради, қўтир ва қичимани даф этади, ранг-рўйни очади.

КУП ЕЙИШ

Ширин анорни хаддан зиёд куп ейиш, хазмни бузиб, меъдани заифлаштиради. Бодли бўлганлиги боис терининг қатламларини дағаллаштиради. Иситмаси бор одамларга зарар қилади. Бу пайтда юз берган холатни бартараф қилиш учун нордон анор емоқ зарурдир. Борди-ю совук миждоз одамларга зарар қилса, занжабил еса ҳаммаси ўтиб кетади.

ШИРИН АНОРНИНГ СУВИ...

Ширин анорнинг сувини қайнатиб қуюлтириб, ундан ширин анор мураббоси тайёрланади.